



THE ROLE OF THE COMPATRIOTS PUBLIC FOUNDATION IN STRENGTHENING UZBEKISTAN'S TIES WITH UZBEK COMPATRIOTS LIVING ABROAD (USING THE EXAMPLE OF THE TURKESTAN REGION OF KAZAKHSTAN)

D. R. Turdiakhunova

Master's student

University of Exact and Social Sciences

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: compatriots, foreigners, concept, region, communication, public, foundation, population, government, Uzbeks

Received: 23.03.25

Accepted: 25.03.25

Published: 27.03.25

Abstract: This article examines the state policy of Uzbekistan in relation to compatriots abroad. The article also highlighted the role of the Compatriots Public Foundation in strengthening ties with Uzbek compatriots in the Turkestan region of the Republic of Kazakhstan in fulfilling such tasks as instilling in them a sense of pride in the nation, rallying around their historical homeland.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ЎЗБЕК ВАТАНДОШЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА “ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ РОЛИ (ҚОЗОҒИСТОННИНГ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Д. Р. Турдиахунова

Магистратура талабаси

Аниқ ва ижтимоий фанлар университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ватандошлар, хориж, концепция, вилоят, алоқа, жамоат, фонд, аҳоли, ҳукумат, ўзбек.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг хориждаги ватандошларга олиб борилаётган давлат сиёсати ёритилган. Шунингдек, мақолада Қозоғистон Республикаси Туркистон вилоятидаги ўзбек ватандошлар билан алоқаларини мустаҳкамланишида уларда миллатга бўлган фахр туйғусини уйғотиш, тарихий ватани атрофида жипслаштириш каби вазифаларини бажаришида “Ватандошлар” жамоат фондининг ўрни кўрсатиб ўйилган.

РОЛЬ ОБЩЕСТВЕННОГО ФОНДА "СООТЕЧЕСТВЕННИКИ" В УКРЕПЛЕНИИ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА С УЗБЕКСКИМИ СООТЕЧЕСТВЕННИКАМИ, ПРОЖИВАЮЩИМИ ЗА РУБЕЖОМ (НА ПРИМЕРЕ ТУРКЕСТАНСКОЙ ОБЛАСТИ КАЗАХСТАНА)

Д. Р. Турдиахунова

студент магистратуры

Университет точных и социальных наук

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: соотечественники, иностранцы, концепция, регион, коммуникация, общественность, фонд, население, правительство, узбеки.

Аннотация: В данной статье рассматривается государственная политика Узбекистана в отношении соотечественников за рубежом. В статье также была освещена роль общественного фонда "Соотечественники" в укреплении связей с узбекскими соотечественниками в Туркестанской области Республики Казахстан в выполнении ими таких задач, как привитие им чувства гордости за нацию, сплочение вокруг своей исторической родины.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий ўзлигини англаш - ўтмишда ўтган улуғ авлодларга, уларнинг инсоният ва жамиятнинг ривожига қўшган ҳиссасини, инсоннинг қайси халқ вакили эканлигини, қолаверса, ўз ота-боболарини шажараси, насл-насабини билишни хоҳлайди.

Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб миллий ўзлимизни англаш, ўзбек халқининг беқиёс тарихини чуқур талқин қилиш каби вазифалар тарихчи тадқиқотчилар зиммасига юклатилди. Бу жараёнда бошқа давлатлардаги ватандошлар ҳаёти ва тарихига ҳам бефарқ бўлинмади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан алоқаларни ўрнатиш янги босқичга кўтарилди. Улар билан доимий мулоқот ўрнатиш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, ватандошларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Юқоридаги фикрлар натижаси ўлароқ, 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида, [2] Ватандошлар билан ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли ва мустаҳкам тизимини яратиш ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 25 октябрдаги Қарорига асосан тасдиқланган

“Ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси” [3] ишлаб чиқилди. Бу ўз ўрнида ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга ҳукуратимиз томонидан янги таҳрирдаги Конституцияда хориждаги яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларини бузмаган ҳолатда ғамхўрлик қилишни белгилаб қўйилди. [1]

Шунингдек, 2021 йили 11 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида қарори қабул қилинди. [5] Фонднинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- *Ҳамкорликни ривожлантириш:* Хориждаги ватандошлар ва улар томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш.

- *Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш:* Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида ҳимоя қилиш.

- *Моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш:* Мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган ватандошларга моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларга ахборот ва ҳуқуқий ёрдам тақдим этиш.

- *Маданият ва таълимни қўллаб-қувватлаш:* Ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини хорижда сақлаб қолиш ва ривожлантириш, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ёрдам бериш.

- *Илмий ва ижодий фаолиятни рағбатлантириш:* Ривожланган хорижий давлатларда истиқомат қилаётган олим ва ижодкор ватандошларнинг илмий ва ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш.[5]

“Ватандошлар” жамоат фонди “vatandoshlarfondi.uz” саҳифаси остида ўзининг электрон сайтларини ишлаб чиққан. Фонд Қозоғистоннинг Туркистон вилоятидаги ўзбек ватандошлар билан ўзаро алоқалар ўрнатган. Фонд доирасида кўплаган лойиҳалар амалга оширилади.

Қозоғистоннинг Туркистон вилояти Жанубий Қозоғистондаги йирик вилоят ҳисобланади. 2018 йилдан буён Туркистон вилояти деб қайта номланган. Аҳолиси 2 млндан ортиқ. Туркистон вилоятининг ҳудудий бўлинмаси қуйидагича:

| Шаҳар, туман | Маркази |
|------------------|---------|
| Туркистон шаҳри | - |
| Орис шаҳри | - |
| Кентов шаҳри | - |
| Бойдибек тумани, | Шаян |

| | |
|------------------|----------------|
| Қазигурт тумани | Қазигурт |
| Пахтаорол тумани | Мирзакент |
| Ордабаси тумани | Темирлановка |
| Ўтрор тумани | Шавилдир |
| Сайрам тумани | Оқсувкент |
| Сауран тумани | Чўрноқ |
| Сариағаш тумани, | Сариағаш |
| Сўзоқ тумани | Шўлақўрган |
| Тўлебий тумани | Ленгер |
| Тулкибош тумани | Турар Рискулов |
| Чордара тумани | Чордара |
| Жетисай тумани | Жетисай |
| Келес тумани | Абай |

Вилоят аҳолисининг 17 %ини ўзбеклар ташкил қилади. [7]

“Ватандошлар” жамоат фондининг асосий мақсади: хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзликни сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтиришдан иборат.

Ҳозирги кунда Ватандошлар жамоат фонди Қозоғистоннинг 47 та жамоат бирлашмалари билан алоқалар ўрнатган. Шулардан 10га яқини Туркистон вилоятида жойлашган. [6]

Фонд доирасида турли хил лойиҳалар, танловлар олиб борилади. “Кун оиласи”, “Спортчи ватандош”, “Ёш ватандошлар”, “Сара дурдона”, “Хориждаги миллий ошхона”, “Ватандош олимлар” каби лойиҳаларида Туркистон вилоятидаги ўзбек ватандошларимиз фаол иштирок этиб келади. Шунингдек фондда “Викторина”, “Жамоат бирлашмалари танлови”, “Малака ошириш”, “Анор” ва “Чинор” лойиҳалари мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки бу каби лойиҳаларнинг замирида хориждаги ватандошларни ватанга ва миллий ўзликка боғлаш, уларнинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш каби мақсадлар ётади.

“Кун оиласи” лойиҳасида хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг оилалари фаолиятига доир маълумотлар, уларнинг миллий кадриятларимизга хос турмуш тарзи ҳақидаги фикрлари ва оилалар архивидаги фотосуратларини жойлаштириб боради. [6] Шу билан бирга ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича дарс берувчи ўқитувчилар учун босқичма босқич танловлар эълон қилиниб борилди. “Малака ошириш” курслари ташкил этилди. “Малака ошириш” курслари доирасида

2024 йил август ойида иншолар танлови эълон қилинди. Унда Қозоғистоннинг Туркистон вилоятидаги ўзбекларнинг 27 та иштирокчиси танлов ғолибига айланди.[6]

“Ватандошлар” жамоат фонди 2024 йил, 29 сентябрь куни Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари” байрам тадбирида иштирок этди. Ушбу тадбирда Туркистон вилоятидаги ўзбекларнинг ҳаёти анъаналари, турли хил сахна кўринишларида намоён этилди. Байрам доирасида, турли хил спорт ўйинлари, интеллектуал мулоқотлар, адабий кечалар, уюштирилди. [6]

Ҳозирги кунга қадар Қозоғистондаги ватандошларларга ва ўзбек тилига қизиқувчиларга 12 мингдан зиёд ўзбек тилидаги адабиётлар, миллий кийимлар етказилиб берилди.[6]

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, “Ватандошлар” жамоат фонди хориждаги, жумладан, Қозоғистондаги ватандошларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқди. Фонд ўз доирасида ватандошлар билан алоқаларни мунтазам ўрнатиш, ўз миллийлигини сақлаб қолишда кўмак кўрсатиш, уни мустаҳкамлаш, шунингдек салоҳиятли, дунёқараши кенг, инновацияларга интилувчан ёшларни ўз тарихий ватани атрофида жипслаштириш каби юксак вазифаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз равнақига, унинг тинчлигини таъминлашда, барқарор ривожланишда хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. <https://www.lex.uz/acts/3107036>
3. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябр ПҚ-3982-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси” <https://lex.uz/docs/4022649#4029997>.
4. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. “Ватандошлар” Жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 август ПҚ-5220-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5570582>
6. vatandoshlarfondi.uz
7. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Turkiston_\(viloyat\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Turkiston_(viloyat))